

## ШАРТНОМА № 21-Z

27.07.2022 йил .

Гулистон шаҳри.

Кейинги ўринларда “**Буюртмачи**” деб юритиладиган “Сирдарё минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси номидан Низоми асосида иш кўрувчи директор З.Базаров бир томондан, матнда кейинги ўринларда “**Пудратчи**” деб юритиладиган «**YOLDOSH-OTA**» ХК Низоми асосида иш кўрувчи раҳбари **К.Хакимов** иккинчи томондан, ушбу шартномани туздилар.

### I. ШАРТНОМАНИНГ МАҚСАДИ

1.1. “**Пудратчи**” ушбу шартнома шартларига мувофиқ Мирзаобод тумани Тошкент МФЙ Баҳор кўчасини жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади. “**Буюртмачи**” эса “**Пудратчи**”га бажарилиши лозим бўлган ишлар учун тегишли меъёрий ҳужжатлар ва ташкилот нормативлари асосида тузилган лойиха-смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағни тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

### II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. 2022 йил 25.07 кунги танловда (ЛОТ рақами № **22110012122545**) голиб бўлиб бажарилиши лозим бўлган ишлар қиймати ( ҚҚС ва барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда)га асосан жорий нархларда **39 368 635** сўмни ташкил этади.

2.2. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, манзиллик рўйхати тасдиқланиб молиялаштирилган маблағи аниқлангандан сўнг тегишли Ҳазначилик тизимидан (Узазбо дастури) рўйхатдан ўтиб, маблағ Республика ёки маҳаллий бюджетдан “ **Буюртмачи** ” махсус ҳисобига туширилганидан сўнг, 10 банк иш кунида “**Буюртмачи**” томонидан бажариладиган ишлар қийматининг аванс (бўнак) тариқасида 30 % келишилган сумма “**Пудратчи**”нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. Маблағнинг қолган қисми Республика ёки маҳаллий бюджетдан “ **Буюртмачи** ” махсус ҳисобига туширилганидан сўнг, “**Пудратчи**” томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунида ўтказиб беради.

2.4. “**Пудратчи**” томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар 2022 йилнинг 31 декабр кунига қадар “**Буюртмачи**” гатопширилиши шарт ҳисобланади. Курсатилган муддатда “**Пудратчи**” томонидан бажарилган ишлар топширилиши таъминланмаган тақдирда, бажарилган ишлар юзасидан “**Буюртмачи**” томонидан молиялаштирилиш масаласи қайта куриб чиқилади.

2.5. Бажарилган ишлар учун тўловлар “**Буюртмачи**” томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади

### III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

“**Пудратчи**”нинг мажбуриятлари:

3.1. Мазкур шартномага илова қилинадиган бажариладиган ишлар жадвалига асосан биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва мазкур шартноманинг ишларни бажариш тўғрисидаги 1-иловасида кўрсатилган жадвал асосида **30 кунда** ишларни бажариб топширади.

3.2. Барча ишларни тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда бажариш ҳамда “**Буюртмачи**”га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

Объектнинг ижро ҳужжатларини тўлиқ расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, курилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган курилиш материаллари ва усқуналарнинг техник паспортини ва ҳисоб варақ фактуралар (юк хати)дан нусха тақдим этади.

3.3. “**Пудратчи**” мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун “**Буюртмачи**” олдида тўлиқ мулкый жавоб беради. “ **Пудратчи** ” “ **Буюртмачи** ” олдида ёрдамчи пудратчи ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг оқибатлари учун ҳам жавобгар бўлади. “ **Буюртмачи** ” “ **Пудратчи** ” билан тузган шартномалар бузилиши билан боғлиқ талабларни ёрдамчи пудратчиларга қўймайди.

3.4. “**Пудратчи**” геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиқ ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида геодезия ишларида хатолар аниқланса, “**Пудратчи**” тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан амалга оширади.

3.5. Агар беркитилган (ёпилиб кетадиган) ишлар “**Буюртмачи**”нинг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳолда ёзма равишда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича “**Пудратчи**” “**Буюртмачи**”нинг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан оқишга, сўнгра уни тиклашга мажбурдир.

3.6. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача “**Пудратчи**” курилиш монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтари (журнал)ни юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши акс эттирилади.

“Пудратчи” дафтар (журнал)да “Буюртмачи” томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.7. Объект фойдаланишга топширилгунга қадар объектнинг тасодикий йўқ қилиниши ва шикастланишига “Пудратчи” тўлиқ жавобгар бўлади.

**“Пудратчи”нинг ҳуқуқлари:**

3.8. Бажариб бериладиган иш учун олинадиган аванс ҳақ тўланишини мазкур шартноманинг 2.2-бандига кўра, ишни бажариб топширгандан сўнг, мазкур шартноманинг 2.3-бандига кўра тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинишни талаб қилиш.

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш.

3.8. Лойиха-смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари “Пудратчи” томонидан тўлиқ ва сифатли бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлари смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида “Буюртмачи”ни хабардор қилган ҳолда йўналтирилиши мумкин.

3.8. “Пудратчи” зарур ҳолларда айрим иш турларини бажарилишида лойиха-смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўз имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойихачи ташкилотнинг тегишли хулосаси асосида амалга оширилиши мумкин.

3.9. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойлarda бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

**“Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:**

3.10. Тасдиқланган лойиха-смета ҳужжатлари асосида бажарилган ишларни меъёрий ҳужжатлар талаблари даражасида қабул қилиб олиш.

3.11. Бажарилган ишлар учун ҳақ тўланиши мазкур шартноманинг 2.2-бандига кўра, ишни бажариб топширгандан сўнг, мазкур шартноманинг 2.3-бандига кўра тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинади.

**“Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:**

3.12. “Пудратчи”дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш.

3.13. Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш.

3.14. “Пудратчи”дан шартномада кўрсатилган ишларини лойиха ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш.

3.15. “Пудратчи” томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни иш ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш.

3.16. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

3.17. Агар “Пудратчи” шартномани амал қилиш муддати давомида белгиланган объектни “Буюртмачи” га топширмаган тақдирда, “Буюртмачи” мазкур шартнома муддатлари тугагандан сўнг, бажарилган ишлар учун маблағ бериш мажбуриятини олмайди.

#### IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди.

4.2. “Пудратчи” объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун “Буюртмачи”га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 %и миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пенянинг суммаси тўлаб берилган маблағнинг 50 %идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган камчилик ва нуқсонлар “Пудратчи” томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса, ёки ишлар умуман бажарилмаси, “Буюртмачи” тўловларни тўхтатиб, лозим даражада, ёки умуман бажарилмаган ишларнинг 20 % и миқдорида жарима ундирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4.4. Бажарилган ишлар учун “Буюртмачи” томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5 % миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 % миқдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган томон иккинчи томонга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказган зарарларни қоплаш жавобгарлигидан озод этилмайди.

4.6. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарликлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 25-32 моддлари асосида белгиланади.



## V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

5.2 “ Пудратчи ” нинг мазкур шартномани бажариши учун бошқа шартлашувчи шериклари, ёрдамчи пудратчилар томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, “ Пудратчи ” да зарур маблағларнинг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

## VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Шартнома асосида белгиланган маблағни молиялаштирилиши билан боғлиқ муаммолар келиб чиққан тақдирда “ Буюртмачи ” ва “ Пудратчи ” ўзаро келишув асосида шартномага ўзгартириш киритиши мумкинлиги маълумот учун қабул қилинади.

6.3. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса, Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Гулистон туманлараро Иқтисодий суди орқали хал этилади.

## VII. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ҳазначилик тизимидан (Уазбо дастури) рўйхатдан ўтган кундан кучга кириб, 2022 йил 31 декабр гача амал қилади.

7.2. Объектнинг жорий таъмирлаш бўйича маблағ Республика ёки маҳаллий бюджетдан “Буюртмачи” нинг махсус ҳисоб рақамига 2022 йил 31 декабрь кунига қадар ажратилмаган тақдирда мазкур шартноманинг амал қилиш муддати қайта кўриб чиқилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучга эга.

## VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

### “БУЮРТМАЧИ”

Сирдарё минтакавий йулларга буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси  
Гулистон ш. Саховат кучаси 1-уй.  
Тел/факс: 236-55-16  
ш/х: 304521860242287045129118021  
СТИР: 207 252 998

Директор  З.Базаров



### “ПУДРАТЧИ”

#### «YOLDOSH-OTA» ХК

Мирзобод тумани Богистон МФЙ  
Сохил кучаси 10-уй.  
АТБ Халк банк Гулистон филиали  
Х/Р: 2020 8000 7005 4452 9001  
МФО: 00759  
ИНН: 202010226

Рахбар  К.Ҳакимов



## ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА

Ўзаро тузилаётган пудрат шартномасининг шартлари, хусусан, тарафларнинг ҳуқуқлар, мажбуриятлари, кафолатлари, ишларнинг бажариш муддатлари, ҳисоб-китоб ва тўловлар, ишлаб чиқариш, форс-мажор, тугалланган қурилиш объектини қабул қилиш ҳолатлари, шартномани бекор қилиш ҳамда тарафларнинг мулкӣ жавобгарлик асослари, низоларни хал қилиш тартиби ва якуний талаблар Фуқаролик кодексининг 26, 27, 28 ва 37-боблари ҳамда “Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонун талабларига мос келади, шартнома тузувчи шахслар шартномани имзолаш ҳуқуқига эга, шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Сирдарё МИБХ ДУК  
Бош юрисконсульти:-



Ф.Х.Усаров

2022 йилдаги №  
Шартномага 1-илова

**БАЖАРИШ ЖАДВАЛИ**  
Пудратчи ташкилот: «Йулдош-ота» Х/К

№	Иш тури	Жами	Шундан			Жами суммаси
			июл	август	сентябр	
1	Қурилиш монтаж ишлари	34 233 596	5 135 039	29 098 556		34 233 596
2	ҚҚС 15 %	5 135 039	770 256	4 364 783		5 135 039
3	<b>Жами</b>	<b>39 368 635</b>	<b>5 905 295</b>	<b>33 463 340</b>		<b>39 368 635</b>

"Буюртмачи"



"Пудратчи"





"\_\_"\_\_\_\_ 2022 йилдаги  
Шартномага 2-илова

Объект: Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани Тошкент МФЙ Бахор кучасини жорий таъмирлаш

**МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ**

№	Молиялаштириш шартлари	Жами	Шундан			2022 йил
			июл	август	сентябр	
1	30 % хажмидаги бунак	11 810 591	11 810 591			11 810 591
2	70 % хажмда жорий молиялаштириш	27 558 045		27 558 045		27 558 045
3	<b>Жами:</b>	<b>39 368 635</b>	<b>11 810 591</b>	<b>27 558 045</b>		<b>39 368 635</b>

"Буюртмачи"



"Идратчи"





## ТАНЛАШ БАЁННОМАСИ

“17” 07 2022 йил

Катнашдилар :

Хайъат раиси:

З.Базаров Директор

Аъзолари:

З.Таджикулов Бош муҳандис

Ф.Ўсаров Бош юристконсулт

Ў.Худойбердиев Тендерларни ташкил этиш бўлими

Ш.Таниев Бош ҳисобчи

М.Култаев Лойиха таъминот бўлими бошлиғи

А.Абдумуминов Ишлаб чиқариш бўлими бош мутахассис

### КУН ТАРТИБИ

1. Мироб Курилиш Сервис МЧЖ таклифини ўрганиб чиқиш.
2. Мансур строй хаус МЧЖ таклифини ўрганиб чиқиш.
3. Йўлдош ота ХК таклифини ўрганиб чиқиш.
4. Зилол Янгнер МЧЖ таклифини ўрганиб чиқиш.
5. Глабал мега инвест МЧЖ таклифини ўрганиб чиқиш.
6. Озод Малика йўл қурилиш МЧЖ таклифини ўрганиб чиқиш.
7. Лайло Диёрбек МЧЖ таклифини ўрганиб чиқиш.

Кун тартибида қўйилган масала юзасидан хайъат раиси З.Базаров сўзга чиқиб, йиғилиш катнашчиларига Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли қонунинг 7-боб 60-моддасининг талабларига мувофиқ Мирзаобод туман Тошкент МФЙ Баҳор қўчасини жорий таъмирлаш объекти учун Мироб Курилиш Сервис МЧЖ, Мансур строй хаус МЧЖ, Йўлдош ота ХК, Зилол Янгнер МЧЖ, Глабал мега инвест МЧЖ, Озод Малика йўл қурилиш МЧЖ, Лайло Диёрбек МЧЖлардан таклифлар электрон шаклда жойлаштирилганлигини маълум қилади.

Хайъат аъзолари ҳамда таклиф берувчиларнинг электрон шаклда жойлаштирилган ҳужжатлари кўриб чиқилганда қуйидаги таклифлар берилганлиги маълум бўлди.

1. Мироб Курилиш Сервис МЧЖ таклифи 41 555 782 сўм ва қурилиш муддати 30 кун
2. Мансур строй хаус МЧЖ таклифи 40 680 923 сўм ва қурилиш муддати 30 кун
3. Йўлдош ота ХК таклифи 39 368 635 сўм ва қурилиш муддати 30 кун
4. Зилол Янгнер МЧЖ таклифи 41 555 782 сўм ва қурилиш муддати 30 кун
5. Глабал мега инвест МЧЖ 41 555 782 сўм ва қурилиш муддати 30 кун
6. Озод Малика йўл қурилиш МЧЖ 41 555 782 сўм ва қурилиш муддати 30 кун
7. Лайло Диёрбек МЧЖ 32 000 000 сўм ва қурилиш муддати 30 кун

Хайъат раиси: (З Базаров) ушбу кўрсатилган таклифни хайъат аъзоларига таништирди. Овозга қўйиш натижасида Мирзаобод туман Тошкент МФЙ Баҳор қўчасини жорий таъмирлаш объекти буйича Йўлдош ота ХК таклифи арзон булганлиги сабабли, ушбу ташкилот билан 39 368 635 сўмга шартнома тузишга қарор қилинди. Харид комиссияси аъзоларида мазкур лот 22110012122545 иштирокчилари билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқаларлик мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунинг (ЎРК-684-сон, 22.04.2021 й.) 23-моддасига кўра, иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси мазкур лот (лар)да иштирок этмаяпти.

Маълумотлар stat.uz саҳифаси орқали текширилди.

Ушбу 22110012122545 сонли лот рақами буйича Сирдарё МЙХБ ДУК томонидан тасдиқланган танлаш баённомаси юзасидан ҳеч қандай эътироз ёки нарозиликлар юзага келмади.

Овозга қўйиш натижасида 7 та овоз билан Йўлдош ота ХК ғолиб чиқди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда хайъат

### ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. Мироб Курилиш Сервис МЧЖ, Мансур строй хаус МЧЖ, Йўлдош ота ХК, Глабал мега инвест МЧЖ, Озод Малика йўл қурилиш МЧЖ, Лайло Диёрбек МЧЖ, Зилол Янгнер МЧЖ ташкилотлардан тушган таклифларни эътиборга олинсин.

2. Танлов ғолиби этиб Йўлдош ота ХК эълон қилинсин ва ушбу ташкилот билан 39 368 635 сўмга шартнома тузилиши маққуллансин.

Хайъат Аъзолари:

З.Таджикулов

Ф.Ўсаров

Ў.Худойбердиев

Ш.Таниев

М.Култаев

А.Абдумуминов























